

ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИДА ТАБОБАТ ИЛМИ

Абдумажидова Ҳамида

*СамДТУ “Ижтимоий ва гуманитар фанлар” кафедраси катта ўқитувчиси
(Тел.: (+99893) 352-32-88, e-mail: usmonovalaylo1@gmail.com)*

Аннотация: Уибу мақолада Темурийлар давлатидаги ижтимоий-иқтисодий, маданий ва тиббиёт соҳасидаги амалга оширилган ислоҳотлар, тиббий таълим, тиббиёт фани ҳақида сўз юритилган.

В статье описывается общее состояние культуры, и в частности развитие медицины в государстве Тимуридов, вклад ученых-медиков того времени в развитие медицинской науки.

In article is described general condition of the culture, and in particular development of medicine in state of Timurid, contribution scientist-physician of that time in development of the medical science.

Калим сўзлар: тиббиёт, шифохона, “Дор уишифо”, “ал-муъжаз фи-т-тиб” (“Табабот ҳақида қисқача китоб”), “Рисола дар ташкири бадани”.

Амир Темур ва Темурийлар даврида барча фанлар, жумладан тиббиёт фани ва амалиёти ҳам тараққий этган. Амир Темур ва унинг авлодлари тиббиётни ривожлантиришни, халқ саломатлигини сақлашни мақсад қилиб қўйганлар ва ушбу соҳани ривожи учун саъй-ҳаракатлар кўрсатганлар.

Самарқанд, Бухоро, Фиждувон ва Хиротдаги мадрасаларда билим олган юзлаб табиблар шифохоналарда ишлар эди.

Ўша даврнинг етук шифокорлари, шифохоналарда беморларни даволаш баробарида, мадрасаларда ва бошқа ўқув юртларида мударрислик қилишар эди. Уларнинг баъзилари ўзидан аввал ўтган олимларнинг турли касалликларга оид асарларини араб, форс ва туркий тиллардаги асарларига шарҳлар ёзишган.

Амир Темур ва Темурийлар даври вакиллари маънавий меросга, қадриятларимизга, жаҳон маданиятига ўзига хос ҳиссасини қўшиб, халқимиз ўтмиш маданиятини бойитиб, жаҳонга кимлигини танитиб ўзининг муносиб ўрнини эгаллаб ўтганлар. Аммо, тарихий ҳақиқат ҳукми билан хулоса қилганда халқимизнинг ўтмиш маънавий қадриятларига, маданий меросимизга Амир Темур, унинг набираси Улуғбекчалик ҳисса қўшган, уларчалик маънавиятимиз ижодчилари ва илҳомчилари ўтмишда кам бўлган.

Темурийлар даври савдо-сотиқ муносабатлари, нарх-наво, бозор муносабатлари, халқ иродасига мувофиқлаштирилган, мамалакат ички ва ташқи сиёсатида, молия, солик тизимида адолатли давлат назорати ўрнатилган, давлатчилигимиз тарихида ижобий рол ўйнаган мустаҳкам кучли давлат маъмуриятига эга бўлган давр бўлиб, бундай ҳодиса ва воқеаларга бой тарихий давр қадимда бўлмаган.

Таъкидлаш ўринлики, Амир Темур ва Темурийлар даврида бошқа соҳалар қатори тиббиёт ҳам анча ривожланган. Мазкур фаннинг илмий соҳалари яратилди илк шифоханалар очилди. Тиббиёт соҳасида жаҳонга машҳур олимлар етишиб чиқди. Дунёнинг қўпгина мамлакатларидағи таниқли табиблар ҳам Самарқандда тўпланишди. Амир Темур салтанатидаги бой кутубхоналарда тиббиётга алокадор ғоятда ноёб китоблар сақланиши бунинг сабабларидан бири эди. Бу эса ўша давр табибларининг қадимий ва ўрта асрлар Шарқ-у Ғарб табобати ютуқларини ўрганишда ва тиббиёт ривожида муҳим омил бўлиб хизмат қилган.

Тарихий манбаларнинг хабар беришича, шарқнинг энг буюк табиблари Амир Темур саройида хизмат қилган. Ўша давр салтанат пойтахти Самарқандда “Дор ушшифо” номли касалхона фаолият кўрсатган. Унга Амир Темурнинг таклифи билан замонасининг таниқли табиби Мир Сайд Шариф Шерозий бошчилик қилган. Ўша замон тиббиётининг забардаст вакиллари Ҳисомиддин Иброҳим Кирмоний, Мавлоно Фазлуллоҳ, Табризий, Мансур ибн Муҳаммадлар тиббиёт соҳаси тараққиётида муносиб ўрин тутгандар ва ўзларидан тиббиётга оид бой маданий мерос қолдирганлар. Шунингдек, Мир Сайид Журжоний, Мавлоно Изаддин Масъуд Шерозий, Мавлоно Фарруҳ каби табибилар ҳам айнан Амир Темур саройида фаолият кўрсатган. Амир Темур Дамашқни эгаллаганидан сўнг, Мавлоно Жамолиддин ва Мавлоно Сулаймон каби ўз даврининг энг машҳур табибларини Самарқандга боришига ундаган. Ўз навбатида улар ҳам тиббиёт фани юксалишига салмоқли улушларини қўшганлар.

Мавлоно Фазлуллоҳ Табризий Амир Темурнинг шахсий табиби бўлган. У Соҳибқироннинг юришларида шифокор сифатида иштирок этган ва саркарда ҳаётининг сўнгги пайтларига қадар у билан бирга бўлган.

Амир Темур ва темурийлар даврида эски шифохоналар таъмиранган, қайта қурилган ва янгилари бунёд этилган. Эътиборли жиҳати шундаки, баъзи шифохоналар шифобахш маданий сувлар ва булоқлар хушманзара табиат қўйнида қурилган. Уларнинг атрофида катта боғлар барпо қилинган. Бу қутлуг анъаналар кейинчалик ҳам давом эттирилиб Шамсиддин Одам ва Низомиддин Шерозий каби машҳур табиблар Шоҳруҳ саройида хизмат қилишган.

Мирзо Улуғбекнинг севимли шогирди Али Қушчи “ал-муъжаз фи-т-тиб” (“Табабот ҳақида қисқача китоб”) асарини ёзиб қолдирган. Ҳукмдорнинг таклифига мувофиқ Кирмондан Самарқандга Бурхониддин Нафис ибн Иваз ал-Кирмоний чақирилган ва шу ерда фаолият юритган. Кирмоний ўз замонасининг машхур ҳакими сифатида ном таратган ва ҳукмдорнинг шахсий табиби номи билан улуғланган.

Темурий Малика Милкат оғо ва темурий Мирзо Алаудддавла замонида ўша даврнинг энг йирик шифохоналари қурилган ҳамда унда ишлаш учун машхур табиблар жалб этилган. Темурий Абу Саид Мирзо Оба қишлоғида иссиқ булоқ суви бўйида сихатгоҳ қурган. Ҳусайн Бойқаро даврида бу маскан кенгайтирилиб, атрофларида гулзор, боғлар бунёд этилган.

Буюк шоир Алишер Навоий ҳам темурийлар даври тиббиёти ривожига ўзининг беназир ҳиссасини қўшиб ўз ҳисобидан бир нечта шифохоналар очган. Уларда эҳтиёжманд инсонларга бепул тиббий хизмат кўрсатилган. Шунингдек, шоир томонидан қурилган мадрасаларда бўлажак табиблар тайёрланган.

Темурийлар салтанатида асосан Абу Али ибн Сино назарияси ва амалиёти дастур вазифасини ўтаган. Табиблар асосан 4 унсур: ер, сув, ҳаво, олов яъни, мижознинг ҳўл қуруқ, иссиқ ва совуқлигини аниқлаган. Шу унсурлар орқали касалликлар даволанган. Ўша давр медицина фани ривожини кузатар эканмиз, бу жараёнда назария ва амалиёт уйғунлиги таъминланганига амин бўламиз.

Мавлоно Дарвиш Али, Мавлоно Камолиддин Масъуд Шервоний “Гавҳаршод оғо” ва “Ихлосия” мадрасаларида тиббиётдан илму толибларга сабоқ берганлар. Мавлоно Дарвиш Али қон қўйиш ва олиш ишларини яхши билган.

Мавлоно Низомиддин Абулхай Алишер Навоий томонидан бунёд этилган “Дор уш-шифо”да фаолият юритган. У қон томирлар тузилиши, уларни даволаш усуллари ҳақидаги тиббий билимларни такомиллаштириб, бу борада ўз илмий кашфиётларини амалга оширган. Бундан ташқари Амир Темур ва темурийлар даврида яшаган табиблар ўзларига тиббий соҳада яратилган асарларга шарҳлар битишган.

Амир Темур вафотидан сўнг, Ҳирот темурийлар табибларидан Мансур ибн Мухаммад ибн Юсуф ибн Фақих Илёс табобат ҳақида бир неча асар яратган. Унинг ишларидан бири - “Рисола дар ташкири бадани” деб аталади. Муаллиф бу китобда суяқ, асаб, мускул, артериал ва вена қон-томирлари табиати, тузилиши, касалликлари ҳақида анча муфассал маълумотлар бериб ўтган. Ушбу муаллифга тегишли бир асар “Кифояи Мансур” ёки “Кифояи Мажоҳидия” дея номланган. Мазкур китобда у инсон танасининг турли аъзоларида пайдо бўлиши эҳтимоли бор касалликлар, уларнинг олдини олиш ва даволаш ҳақида маслаҳат ва илмий хуносаларни бериб ўтган. Китоб сўнгига оддий ва мураккаб дорилар ҳақида таҳлиллар келтирилган. XV асрнинг энг

буюк табибларидан яна бири Юсуф Харавийдир. У “Бахр ул-жавоҳир” номли табобатга оид маҳсус асар ёзиб қолдирган.

Тарихий манбаларда келтирилган бу далиллардан шундай хулоса қилиш мумкинки, Амир Темур ва Темурийлар давлатида тиббиёт соҳасини мувофиқлаштирувчи маҳсус тузилма яратилган. У шифохоналар қурилиши, таъминоти каби ишларни амалга ошириш, тиббиёт масканларини малакали табиблар билан таъминлаш ишларига ҳам масъул бўлган.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. Т.: “Маънавият” 2008.
2. Херман Вамбери. “Бухоро ёхуд Моварауннаҳр тарихи” Т.: 1990 й.
3. Ўралов А., Хожихонов М. Улуғбек яратган маънавият. Т.: 1994 й.
4. Ўралов А., Хожихонов М. Темурийлар маънавияти ва маданият. Т.: 1996 й.

Амир Темур ва Темурийлар давридаги илм-фан ва маданият ривожининг жаҳон тамаддуидаги ўрни. Республика илмий-амалий конференция тезислари. Т.: 2016й.

5. Abdumajidova Kh. Globalization and modernization as an important feature of the development of modern society // International Scientific Journal Theoretical & Applied Science-Philadelphia Quest. – USA, 2021. - № 4. - P.75-78 (№23; SJIF: 6.161).

6. Abdumajidova H, Yaxshilikov J. // Cooperation in Central Asia as a priority direction of foreign policy of Uzbekistan. Galaxy International interdisciplinary research journal (GIIRJ) Volume 9, Issue12, Desember, 2021. P-175-178.

7. Абдумажидова Ҳ. Ўзбекистоннинг Марказий Осиё интеграциялашув жараёнлари ва ижтимоий-сиёсий фаоллашувига таъсири // Фалсафа ва ҳаёт. – Тошкент, 2022. -№ 1. – Б. 18-25. (09.00.00; № 25).